

*Тожикистондаги нотинчликларнинг ҳомийлари кимлар?

*Мақтаб битирувчилари оқшомидаги ҳангомалар

*Иккала қўли ишламаса-да, серфарзанд она бахтиёр экан

*Бўғма илон уйини тополмай роса сарсон бўлибди



Туркистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 май Шанба. № 41 (14232)

Ёшлар лидерларининг Форуми

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 май куни Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.

Учрашувда асосий эътибор ўзаро ҳамкорлик бўйича икки мамлакат ўртасида ту-

ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ


зилган ҳукуматлараро комиссия фаолиятига қаратилди. Президент Ислам Каримов мазкур комиссиянинг шу кунларда Тошкентда бўлган йиғилиши натижалари тез орада самара кўрсатишига умид билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари, икки давлатнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Б.Олимжонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси У.Ўзбеков ҳозир бўлди.

(ЎЗА)



Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси жамиятнинг навқирон бўғини, янгича фикрлаб, янгича нафас оладиган, иштиёқли ёшларга таянадиган ва шу ёшлар учун ишлайдиган партиядир. Бугунги кунда партия ўзининг ёшлар бўғинини ташкил этиш ҳаракатида. Шу мақсадда мазкур партия республикамиз бўйича ёшларнинг лидерларини жамлаб, Форум ўтказишга қарор қилди. Форум ёшлар олдидан турган муаммоларни аниқлабгина қолмай, уларнинг ечимини ҳам топишни асосий мақсад қилиб қўйган. Янгиликларни бевосита жойларда қўллашни ташкил этиш ана шу етакчи ёшлар зиммасидаги вазифадир. Шу мақсадда ёшлар билан ишлаш Концепцияси ишлаб чиқилади.

Анжуманни Фидокорлар миллий демократик партияси Бош котиби Э.Норбўтаев очиб, етакчи ёшлар олдидан турган долзарб вазифалар тўғрисида сўзлади.

Форум иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, "Ёшлар ва қонун", "Ёшлар ва дин", "Ёшлар ва талбиркорлик", "Ёшлар ва мафкура", "Бугунги ёшларнинг хусусиятлари ва қизиқишлари" бўйича машғулотларга киришдилар. Анжуман давомида уларнинг таклифлари ўрганилиб, улар асосида тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу асосда Фидокорлар миллий демократик партияси Ёшлар лидерларининг кенгаши тузилади. Кенгаш ўз дастури асосида иш олиб боради. Дастурда кенг қамровли "Эъоз" ва "Муруват" ҳаракатларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Б.Мансуров,
ЎЗА мухбири

Яқинда Тожикистон Республикаси ҳукумати мамлакатнинг барча сиёсий партиялари ва ҳаракатларига, халқаро ташкилотлар ҳамда тинчлик жараёнларини кафолатловчи давлатларга мурожаат билан чиқиб, уларни республикадаги тинчлик жараёнининг моҳиятини янада чуқурроқ англашга ва ана шу тинчлик-осойишталикни сақлаш учун Тожикистон ҳукуматига ҳар томонлама қўмаклашишга чақирди.

Қардош ва қўшни мамлакат ҳукумати томонидан фавқулодда ҳамда бироз ташвишли бундай мурожаатнома қабул қилинишининг муайян сабабларини излашдан олдин, бошқа бир муҳим ҳолатга, яъни Ўзбекистон ҳукуматининг қардош ва ҳамкор мамлакатда осойишталик қарор топиши йўлидаги доимий саъй-ҳаракатларининг энг сўнгги натижаларига диққатни қаратиш жоиздир.

Гап шундаки, оммавий ахборот воситалари хабар қилганидек, илгари эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистон ташқи ва ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларидан иборат делегациянинг Тожикистондаги ана шу соҳалар раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирлари томонидан яқин келажакда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иккала мамлакат ҳудудида ҳам мустақкам ҳамкорлик қилишини кўзда тутадиган террорчилик, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркотикига қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон давлатлари ўртасида имзоланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларацияда ҳам бундай умумий хавфга қарши кураш соҳаси-

даги ҳамкорлик кўзда тутилганлигини ҳисобга олсак, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида тузилган мазкур янги битимнинг аҳамияти янада яққолроқ кўринади.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Хўжандда Ўзбекистон делегациясини

Миллий ярашиш комиссиясининг муҳолифат сафидан белгиланган аъзолари ўзларининг Комиссия таркибидаги фаолиятини тўхтатиб турар эмиш.

Ваҳоланки, бу тахлит ҳаракатлар республикада тинчлик-осойишталик аста-секин ўзига тушиб кела бошлаган

ридан келмаган. Қолаверса, томонлар бир-бирини омма олдидан ошқора айбдор қилмаслик юзасидан зиммаларига мажбурият олганликларини ҳам унутмаслик керак.

Кези келганда, муҳолифатнинг ҳукумат томонидан “асосиз” деб баҳо-

қуrolли бўлинмалар ҳозирга қадар йўлларнинг назоратини кўлида ушлаб турибди.

Шу ўринда, яқиндагина ана шу Фарм туманида содир этилган кенг кўламли қуrolли тўқнашувни эслаб ўтишга тўғри келади. Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, адашганлигини тушуниб етиб, Ватанга қайтаётган 17 нафар ҳамюртимиз жорий йилнинг 16 май куни содир этилган ана шу тўқнашувда Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний қуrolли гуруҳлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилган.

“Время-Московские новости” газетаси Бирлашган тожик муҳолифатининг расмий вакиллари бундай тўқнашувларнинг муҳолифат тузилмаларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини рўқач қилиб, воқеани шарҳлашдан ўзини тийиб тургани ҳақида ёзди. Ҳар ҳолда, икки кундан сўнг муҳолифатнинг ҳукумат таркибидаги вакиллари воқеа рўй берган жойга борган бўлсалар-да, газета қайд этганидек, Фарма содир бўлган фожеа Тожикистон раҳбариятини бироз нуқулай аҳволга солиб қўйди.

Хуллас, тинчлик ва осойишталикка нима етсин. Барқарорлик сари муваффақиятли одимлар эса, табиийки, яқдиллик, қардошлик, дўстлик ва ҳамкорликнинг ишончли ҳамда синашта йўлларини тақозо этади. Бу йўллар, айниқса, Тожикистонда бўлажак Президент ва Парламент сайловларини назарда тутсак, мамлакатда демократик ва дунёвий давлат барпо этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўз навбатида, тараққиёт ва юксалиш сари элтувчи очик дунёвий давлатчилик йўли, аввало, тожик халқининг манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғулом Мирзо,
“Туркистон-пресс”

ҚўШНИНГ ТИНЧ БЎЛСА...

қабул қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қўшни Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатга юксак баҳо бергани, албатта, бежиз эмас.

Бу баҳо Ислам Каримов “Ўзбеклар ва тожиклар икки тилда сўзлашувчи битта халқдир”, деб бағрикенглик ва самимият билан айтган фикрнинг ўзига хос эътирофи бўлса, не ажаб.

Энди Тожикистон ҳукумати ташвишланишининг сабабларига келсак, буни аввало, республика раҳбарияти билан Бирлашган тожик муҳолифати етакчилари ўртасида қайтадан сиёсий зиддиятлар кучайиб бораётгани билан изоҳлаш лозимдек туюлади. Айниқса, охириги пайтларда муҳолифат етакчилари турли хил бўлар-бўлмас шартларни рўқач қилиб, ҳукумат билан кескин ультиматив муомала йўлига ўтганлиги республика раҳбарияти сабр косасини тўлдириб юборганга ўхшайди.

Маълумотларга қараганда, 24 май куни Бирлашган тожик муҳолифати унинг етакчиси Саид Абдулло Нурий имзоси билан Душанбеда баёнот тарқатган. Унда қайд этилишича, Бирлашган тожик муҳолифатининг ҳукумат олдига қўйган талаблари бажарилмагунча,

омонат бир вазиятда Миллий ярашиш комиссиясининг фаолиятига очик-ойдин ҳалал беради. Негаки, Комиссиянинг муҳолифатга алоқадор 13 нафар аъзосини фаолият йўригидан чалғитиш бугунги кунда

Тожикистондаги вазият ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини ларзага солмоқда

ярашув жараёнлари бўйича маълум қийинчиликлар эвазига бўлса-да, амалга оширилган фавқулодда нозик ва муҳим ишларнинг белига тепади. Мисол учун, биргина Саид Абдулло Нурийнинг икки ойдан ортиқ вақт мобайнида Тожикистонда бўлмаганлигининг ўзиёқ ушбу Комиссияни нақд шунча муддатга ҳаракатсиз ва фалаж қилиб қўйди.

Тожикистон ҳукумати муҳолифатнинг юқорида тилга олинган баёнотида жавобан қабул қилган баёнотда айтилишича, Бирлашган тожик муҳолифати вакиллари томонидан асосиз талабларнинг ультиматив тарзда қўйилиши томонлар келишуви бўйича қабул қилинган Умумий Битимнинг тартиби ва тамойилларига зиддир.

Бу ўринда, очигини айтганда, Бирлашган тожик муҳолифатининг “қизиққонлиги” ножоиз экани аён бўлиб турибди. Зеро, кескин ва ультиматив тарзда шарт қўйиш билан ҳеч қачон ҳеч қайси иш баро-

лари нималардан иборат эканини ҳам ойдинлаштириб олинса, зарар қилмайди. Тожикистон ҳукуматининг фикрига суянадиган бўлсак, асосий муаммо, даставвал, ахён-ахён эса-да, барча замонларда ва барча маконларда содир бўлиб турадиган эски касаллик - ҳокимият лавозимларини эгаллаш ҳамда “портфель тарқатиш” масалаларига бориб тақалади.

Бирлашган тожик муҳолифати етакчилари республика раҳбариятига Тожикистон ҳукумати таркибидан муҳолифат вакиллари учун 30 фоиз квота ажратиш шартини зудлик билан бажаришни талаб қилмоқда. Муҳолифатнинг бундай талаблари, ҳукумат баёнотида жўяли таъкидланганидек, “тожик халқини бунёдкорлик кайфиятидан чалғитиб, тинчлик-барқарорликни таъминлаш жабҳаси учун мутлақо хатарли бўлган сафсатабозларча тортишувлар домига тортиб кетади”.

Шунга ўхшаш кўплаб даъволар ичида муҳолифат, шунингдек, ўзининг 93 нафар тарафдорини қамоқдан озод этишни ҳам талаб этаётир. Айни чоғда эса, ҳукумат баёнотида қайд этилишича, ўзаро келишув шартларига хилоф равишда мамлакатнинг Фарм тумани ҳудудларида Бирлашган тожик муҳолифатига қарашли

“АЛПОМИШ” ОМАД ҚУЧДИ

Фаргона вилояти Фурқат туманида “Ёшлар ва қадриятлар” мавзuida беллашув бўлиб ўтди. Унда Бешариқ, Ўзбекистон ва Фурқат туманлари ўқувчилари иштирок этишди. Вилоят “Камолот” жамғармаси, халқ таълими бошқармаси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда ўқувчилар мумтоз адабиётимиз вакиллари Алишер Навоий, Лутфий, Жалолдин Румий, Абдурахмон Жомий, шунингдек, Ҳамза, Асқад Мухтор, Тоҳир Малек ижодлари ҳақидаги билимлари юзасидан синашдилар.

Мусобақада Фурқат туманидаги 19-ўрта мактабнинг “Алпомиш” гуруҳи ғолиб деб топилди.

Мирҳайёт АҲМАДАЛИЕВ,
“Камолот”
жамғармасининг
Фаргона вилояти, Фурқат
тумани бўлими раиси

Навоий шаҳридаги Марказий спорт мажмуида киокушин-кайкан қаратэ бўйича иккинчи республика чемпионати якунланди. Унда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Андижон ва Навоий вилоятидан ортиқ ёш қатнаш-собақада шаҳридаги “Нур-Хас” киокушин-кайкан қаратэ маркази спортчилари муваффақиятли иштирок этди. Эркаклар ўртасида навоийлик Жасур Сафаров республикамизнинг мутлоқ чемпиони бўлди. Энди у Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

Ёркул Умар,
УЗА мухбири

“ЧИМИЛДИҚ” АНГРЕНДА

Таниқли драматург Эркин Хушвақтовнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида саҳналаштирилган “Чимилдиқ” спектаклини севиб томоша қилмайдиган йигит-қизлар топилмас керак. “Ангрен шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият саройида шу асар “Қадрият” студияси томонидан саҳнага қўйилди. Уни Абдуҳошим Йўлдошев саҳналаштирган. Асосий ролларни ёш санъаткорлар Дилфуза Абдурахмонова, Илҳом Маҳкамов, Бувинисо Усмонова ижро этган.

Мухтасархон КАРИМОВА

“СИТОРА” ҒОЛИБ БЎЛДИ

Ўзбек аёллари футбол билан шуғуллана бошлаганига ҳам анча вақт бўлди. Бухорода ўтказилган спортнинг шу тури бўйича вилоят биринчилиги эса хотин-қизларимиз жисмоний жиҳатдан ҳам юксак эканликларини намоён этди. 17та жамоа ўртасида ўтказилган баҳсда, айниқса, Бухоро шаҳрининг “Ситора” гуруҳи ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Ғолиб жамоаларга вилоят “Камолот” жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари берилди.

ОҚШОМ САЙЛИ

Наманганлик ёшлар ўқув юртларидаги сўнгги кўнғирок байрами баҳонасида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги миллий боғда, “Тинчлик” майдонида ўтказилган концертлар ҳамда ёшлар сайли уларга оламжаҳон кайфият ато этди. Хушовоз хонандалар ва янги ташкил топган “Зиё” гуруҳи иштирокчиларининг дилрабо куй-қўшиқлари ёшларни мамнун этди.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЛУБИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеги “Ёш журналист” клуби тузилди. Ажаб эмас, келгусида ушбу клуб аъзолари матбуотда ўткир публицистик мақолалари ва фелъетонлари билан ўқувчиларни хушнуд этишса.

Ўз мухбиримиз

Президентимиз Республика Олий Мажлисининг 1995 йил февралда бўлиб ўтган сессиясида “Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир, дея таъкидлаган эди. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал шаклланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўйбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш — давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”.

Бу сўзлар айtilган пайтда ҳали “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ғояси ҳақидаги фикрлар эндигина кўртак ёзаётган эди. Бироқ ўшандаёқ И.Каримов жамиятни маънавияти юксак инсонларсиз ривожлантириш мумкин эмаслиги, миллий уйғониш ғоясисиз мақсадларимиз амалга ошмаслигини аниқ баён этганини кўрадик.

Ундан сал аввалроқ, яъни 1992 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш, айниқса, бу тизимда давлат стандартларини жорий этиш юзасидан қатор қарор ва фармойишлар, тегишли вазирлик буйруқлари чиқарилди, ҳуллас, иш жадал бошланди. Турли фанларга оид олимлар, тажрибали педагогларни жалб қилган ҳолда таълим стандартлари яратилди, бунга анчагина маблағ ҳам сарфланди. Бироқ бу “стандартлар” чуқур ўрганилганида уларнинг мазмуни, услуби, ғоясидан собиқ иттифоқ таълими қолипи аниқ кўрина бошланди, айрим фанлар бўйича яратилган стандартлар эса Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларида бундан ўн йиллар олдинги тавсиянома, услубий кўрсатмалардан кўчирилганлиги, озгина миллий тўн кийдирилганлиги ҳам аён бўлиб қолган эди. Энг муҳими, уларда миллий рух, маънавиятимиз зарби, қадриятларимиз салмоғининг ўрни талаб даражасидан анча ортда қолган эди. Табиийки, бу ўз-ўзидан бундай “дастуруламал” ҳужжатлардан воз кечишга олиб келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилги қарори билан тасдиқланган “Касб-хунар мактаби тўғрисида”ги Низом қонуний ҳужжат сифатида кучга кирди. Мазкур Низомнинг “Касб-хунар мактабининг вазифалари” бандида куйидагилар ёзилган:

- ўқувчиларда касб-хунар билимлари, уқувлари ва кўникмаларини шакллантириш;
- бозор иқтисоди шароитларида ўқувчиларни фаол меҳнат фаолиятига тайёрлаш;
- ўқувчиларга касб-хунар таълими бериш билан бир қаторда умумий ўрта таълим олиш учун имкониятлар яратиш;
- корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларини қондириш”.

Мазкур Низомнинг “Ўқув-тарбия жараёни”, “Касб-хунар мактабининг ўқувчилари”, “Касб-хунар мактабини бошқариш” каби бандларида ҳам юқоридагидан кам бўлмаган талаб ва мақсадлар зикр этилган.

Яна бир муҳим жиҳат. Вазирлар Маҳкамасининг худди шу қарорига асосан иккинчи ҳужжат — “Касб-хунар лицейи тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланди. Бунда ўқувчиларга таълим беришнинг икки босқичли шакли танланиб, 1-босқичда ўқувчиларга ўрта маълумот олишлари ва ишчи касбини эгаллашлари, 2-босқичда 1-босқичдаги касб тайёргарлиги

диққатини мустақиллигимизнинг бир буюк неъматига қаратмоқчимиз. Шўролар даврида Москвадан юборилган бирон-бир таълимга оид меъёрий ҳужжатни қайта ишлаш, уни республикаимиз таълим-тарбия шароитига мослаштириш у ёқда турсин, бир жумла, ҳатто ҳарфини ўзгартиришга кимнинг ҳадди сизгар эди?! Таълим соҳасига оид Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига синчиклаб назар ташласак, уларнинг ҳар бири изланиш, ижодкорликка ундаётганининг гувоҳи бўламиз. Улар келажакда таълим тизимини ҳар кунлик талаб доирасида қайта ислоҳ этишга, му-

амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб берилди.

Мазкур Дастурда илгаридagi касб-хунар таълим муассасаси ўрнига “касб-хунар коллежи” тавсия этилди. Унда “касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради” дейилган. Юқорида касб-хунар лицейи Низомидан келтирилган парчамизнинг бу матндан фарқи нимада? Бу, энг аввало, “тегишли давлат таълим стандартлари” иборасидадир. Чунки 1995-96 йилларда яратилиб, биз юқорида зикр этгандек, ишланмай “жувонмарг” бўлган стандартдан Миллий Дастур стандартининг ўртасида кескин тафовут мавжуд. Дастурда энг аввало, шахсга мажбуран таълим бериш эмас, балки унга ўз хоҳишига кўра таълим тури ва хилини танлаш имкони берилган, унинг “билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш” бош мақсад этиб тайинланган. Бунда таълим дастуруламали шахс учун хизмат қилиши, унинг камолотга эришишига ёрдам бериши қувончли ҳолдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилишга оид қонуний ҳужжатлар олий таълим, ўрта махсус, умумтаълим соҳалари ривожини учун ҳам қаратилган. Олий таълим тизимида жорий этилаётган бакалаврлик ва магистрлик даражалари талабаларни аввалги бекорлик, бирхиллик кайфиятларидан халос этиб келажакка ишонч, интилишга асос бўлмоқда. Энди олий ўқув юртини битирганлар бир хил, бир даражадаги дипломга эга бўлмасдан шу институт доирасида магистрлик даражасига етиш, келгуси илмий-амалий фаолиятлари ривожига йўл очиб имкониятга эга бўлиш иштиёқи билан изланиш йўлига кирмоқдалар. Имтиҳон, синов борасида беш баллик баҳолаш усулидан воз кечилиб, рейтинг тизими жорий этилганлиги ҳам талабани, ҳам ўқитувчини ишлаш, изланиш, ижод қилишга ундаяпти.

Республикаимизда таълимга оид яратилган қонунлар, қарорлар, догма, яъни — қотиб қолган ҳужжат эмас. Улар тирик вужуд сингари яшаш, ривожланиш ва ўзгаришга мойил. Шунинг учун даврнинг олдимизга кўйган талабларига қараб, улар ривожланади, такомиллашади. Бу ўзгаришлар ёш авлодни юксак тафаккурга эга бўлган шахс сифатида вояга етказишга, уни Ватанга садоқат, маънавий комилликка интилувчи, умуминсоний қадриятларни ардоқловчи инсон бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
Ангрэн давлат педагогика
институтининг ректори,
филология фанлари доктори



ёки касб бўйича оширилган ишчи малакаси ихтисосига кўра ўрта бўғин мутахассиси малакасини эгаллаш кўзда тутилди.

Бир қараганда, барча меъёрий ҳужжатлар ҳозирланди, ҳукумат қарори билан тасдиқланди, тегишли вазирликлар, идоралар ва корхоналарга кўрсатма берилди, фақат энг шимариб ишлаш қолганди, холос.

Худди ана шу ҳужжатлар, қонунлар чиққандан сўнг айтиш мумкинки, халқ таълимини миллий уйғунлик, маънавий рух ва миллий ғоя асосида қайта идрок этиш, кадрлар тайёрлашда миллий рух, қадриятларимизни инобатга олган ҳолда умумжаҳон андозаларини ўрганиб пешқадам ғояларни илгари суриш мақсадида жиддий иш бошланди. Қисқа муддатда улкан бурилиш — Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Туб бурилиш фақат таълимнинг касб-хунар соҳасига оид эмас, балки умумтаълим, ўрта махсус, олий таълимдаги жуда кўп эски, давр талабига мос бўлмаган Низомлар, услубий кўрсатмаларга тааллуқли бўлиб, тизимни жиддий ўзгартиришни талаб этди.

Шу жойда хурматли ўқувчиларимиз

каммаллаштиришга, замонавий миллий, маънавий, тарбиявий ғоялар замирида янги Фармон ва қарорларга асос яратишга қодир меъёрий ҳужжатлардир. Натижада таълимнинг узлуксиз ривожини таъминланмоқда, олдинги чалқашлик ва норасоликлар тузатилиб, тўлдирилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур соҳани ислоҳ этишда ўзига хос таянч вазифасини ўтамоқда. Ўтган бир ярим йил вақт давомида Миллий Дастурда кўрсатилган академик лицей ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш борасида яна унга яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ҳар бири таълим даргоҳларини босқичма-босқич ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш, биноларининг лойиҳаларини тасдиқлаш, бор иморатларни таъмирлаш, коллежларни малакали педагогик кадрлар билан тўлдириш, ўқув-моддий техника базасини ҳозирлаш ва бошқа кўпгина муаммоларни бирма-бир таъкидлаган ҳолда, алоҳида-алоҳида давлат ҳужжатлари сифатида юзага чиқарди. Миллий Дастурда бу масалага давлат миқёсида ёндашилиб, бюджетнинг салмоқли қисми ажратилган ҳолда, узоқ муддатли ўтиш даврида (2005 йилгача)

ЯШАШ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз иқтисодий илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Бу тараққиётнинг янада жаддаллашувида эса бугунги кун талабларига мос келмайдиган баъзи салбий ҳислатлардан тезроқ қутулишимиз зарур.

Иқтисодийта бозор муносабатларини қарор топтириш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда тўсиқ бўлаётган энг катта иллатлардан бири — боқимандаликдир.

Боқимандалик ўз қобилиятлари, жамиятдаги ўрнини тўғри баҳолай олмаслик оқибатида юзага келади. Айнан шу кўникманинг етишмаслиги икки хил нохуш ҳолатга олиб келади. Биринчи ҳолатда шахс ўзини, ўзининг хизматларини ҳаддан зиёд юқори баҳолаб юборади. Натижада у “одамлар менга қарздор” қабилида ўзига кўпроқ имтиёзлар талаб эта бошлайди. Иккинчи ҳолда эса шахс ўз имкониятларини паст баҳолайди. Бунда у ношуд, кўрқоқ, ташаббуссиз киши ҳолатига тушиб қолади.

Хуш, бунинг илдишлари нимада?

Биринчидан, тарбиядаги нотўғри ёндошув. Ҳар бир ота-она фарзандини масъулиятли, ўз ҳуқуқ ва бурчини яхши англайдиган, фаол фуқаро этиб тарбиялашга интилиши керак.

Иккинчидан, шахс камолотида жамиятдаги қадриятлар ва меъёрлар тизимини ўзлаштириш жараёнида узилиш юз бериши, унинг ижтимоий муносабатларга тўла жалб қилинмаслиги оқибатида ҳам боқимандалик келиб чиқади. Бундай кимсалар бир умр “давлат боқиши керак” қабилида кун кечирадилар. Тўрт мучаси соғ була тириб шу алфозда яшайдиган кишилар жамият учун зарар келтириши шубҳасиздир. Лекин ногирон бўлиб ҳам шундай ҳаёт кечириб бўлмайди. Албатта, давлат уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялайди, лекин ногирон шахслар ўз ҳаётлари учун ўзлари масъул бўлишлари, фойдали меҳнатга фаол

жалб этилишлари керак. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳар бир ногирон болагидан камситилмасдан, бошқалар билан тепа-тенг инсон сифатида тарбияланади, давлат эса уларнинг меҳнат қилиши учун шароит яратади, холос.

Бугунги давр кишилардан ҳаётга фаол муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Ҳар бир киши ёшлигиданоқ касб-хунар эгаллашга интилиши ва олган билимлари асосида жамиятда ўз ўрнини топиши лозим. Тобора шаклланиб бораётган бозор муносабатлари ўз мазмун-моҳиятига кўра кимнингдир ёрдамига кўз тикиб яшайдиган кимсаларни ҳаёт оқимидан четта суриб ташлайди. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўзи учун, ўз оиласи учун фидокорона, самарали меҳнат қилиши, ўз имкониятларига таянган ҳолда изланиб, интилиб яшашни замон талабидир.

Абдуғани ХОЛБЕКОВ,
социолог

Ф и к р

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

“Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда республика ёш ижрочиларининг “Санъат ғунчалари” танловини ўтказиши яхши аёнана бўлиб қолди. Туртинчи бор ўтказилган бу галги мусобақа анжумани Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланди.

Танловда Тошкент шаҳридаги санъат ўқув юртлари ва бир қанча вилоятлардан таширф буюрган иштирокчилар ёш жиҳатдан икки гуруҳга бўлиниб ўз маҳоратларини намойиш этди. Улар ижросида скрипка, фортепьяно, виолончелда мумтоз ва замонавий, жумладан, ўзбек композиторларининг асарлари янгради. Танлов натижасига кўра Бехзод Абдураимов, Саодат Абдуллаева, Нодир Ҳошимов, Динара Рисалиева, Дониёр Зуфаров каби ёш истеъодлар биринчи ўринга сазовор бўлди. Ғолибларга “Соғлом авлод учун” жамғармаси ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг диплом ва мукофотлари топширилди.

ҚЎШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА

Маълумки, халқимизнинг эъзозли фарзанди Маъмуржон Узоқов Ўзбек миллий қўшиқчилигида ўзига хос мактаб яратган улуг санъаткорлар сирасига киради. У ижро этган қўшиқларни мухлислар хануз севиб тинглайди. Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ ҳофизини Маъмуржон Узоқов номидаги республика ёш хонандаларининг иккинчи кўрик-танлови бошланди. Унда мамлакатимиз барча вилоятларидан келган ёш хонандалар учун кун давомида миллий анъанавий қўшиқчилик борасида ўз маҳоратини намойиш этади.

Марғилонликлар бу улкан қўшиқ байрамига пухта ҳозирлик кўрдилар. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланди, янги хиёбон ва гулзорлар барпо этилди.

(ЎЗА)

МАРЖОН НЕГА УЗИЛДИ?

(Биринчи воқеа)

Синфдошлар битирув оқшони зиёфатини Наргизаларниқиди ўтказадиган бўлишди. Сабаби, уларнинг ҳовлиси иккита, қизнинг ота-онаси “бемалол ўйнаб-қулишсин” деб, шу кунни қишлоқ четидаги янги уйларида тунаб қолишаркан. Дастлаб сўлимгина чорбоққа жой қилинди, кечки салқин тушгач, ичкари уйга киришди. Ошдан сўнг ўртадаги дастурхон йиғиб олинди. Улар давра айланиб ўйинга чоғланишди. Рақс авжига чиққанида қизлардан бири “Вой!” деб қичқириб юборди.

— Нима бўлди?
— Маржоним узилди! Кеннойимники эди...

Қизлар ўйинни ҳам унутишиб, шоша-пиша маржон доналарини тера бошлашди. Йигитлар эса бири-бирига эргашиб ҳовлига чиқишди.

— Кеннойимдан балога қоладиган бўлдим. Бир кунга деб сўраб олудим, — дерди ҳалиги қиз йиғламоқдан бери бўлиб.

Унинг ташвишга тушганича бор экан. Эртаси кунни келиноий қайинсинглисини етаклаб ўзгача важдат билан Наргизаларниқига кириб келди. Унинг айтишича, шойи ипга тизилган маржони асл Хитой дуридан, онаси чарлар кунни совга қилган экан. Энди эса бу маржоннинг қаторидан ўн дона кам чиқаётганмиш. У икки қизни четга тортиб, “Нима бўлди, ўзи?” дея саволга тутди.

— Вальс бошлангандан кейин йигитлар бизни ўйинга тортишди. — Кейин даврабоши чироқни ўчириб, шам ёқиб қўйди.

— Вой ўлмасам, нега бундай қилди?
— Утиришимиз қондаси шу. Ҳамма зиёфатда шундай қиламиз.

— Сенлар қайси йигитлар билан ўйинга тушдинглар?

Қизлар ерга қарашди. Келиноий ниманидир фаҳмлагандек бўлди. У қишлоқ оралаб ўтиришга келган йигитларни бир жойга йиғди. “Эшитдим, сизлар зиёфат чоғида маст бўлгансизлар,” деди уларга. Йигитлар бараварига: “Йўғе, ундай эмас. Дастурхонга ичимлик қўйилмади. Биз у ерга боришдан аввал ўзимиз озгина ичгандик. Лекин, маст эмасдик!” дейишди. Келиноий баланд бўйли йигитга ўқрайиб қаради: — Маст бўлмасанг, нега қайинсинглим билан қоронгида ўйинга тушасан? Одбандми шу?!

Йигитлардан бири гапга аралашди:

— Нега уни уришасиз? Улар бир-бирини яхши кўришади!

— Яхши кўрса элбурутдан қизнинг маржонини уздимми?

— Менда нима айб, — деди баланд бўйли йигит қизариб. — Уйнаётганимизда узилиб кетди!

— Сен бирор қалтис ҳаракат қилгансанки, узилган-да!

Йигитлар келиноийга гап топиб

СЕНГА БОРАЯЛМАН, КЕЛАЖАК! (Ҳар воқеа ва баъзи тўлоҳазалар)

беролмай, жим бўлиб қолишди. Хуллас, узилган маржон воқеаси шу кунгек атрофдаги қишлоқларга тарқалди. Лекин, ҳамма жойда битирув кечалари ўтиб бўлган, шу оқшомда юз берган айрим воқеалар эса сирлигича қолган эди...

“ОМАДСИЗ” ЙИГИТЛАР

(Иккинчи воқеа)

Ўйин-қулгу ниҳоялагач, қизлар “кетамиз”га тушишди. Магнитофон лентасини айлантираётган йигит уларни тўхтатди.

— Кетиш йўқ. Тонготаргача ўтирамыз. Бундан кейин ҳаммамиз жам бўлиб, шу бугунгидай йиғилмаймиз, энди. Ё гапим нотўғрими?

— Синфдошларнинг бу гапи қизларга таъсир қилиб, улар ўринларига чўкишди.

— Мен бир нарсани таклиф қилмоқчиман, — деди даврабоши. — Ҳозир викторина ўйнаймиз. Саволлар қизларга йигитлар томонидан берилди. Жавоб топа олган қиз шартини айтади, агар тополмаса йигитнинг шартига кўнади. Бошладик!

Шундан сўнг турфа саволлар битилган қоғозчалар қўлма-қўл бўлиб кетди. Дастлаб қизлар бир-биридан галати саволларга жавоб қилмасдан, ҳазил-хузил билан рад этиб туришди. Лекин, синфдаги энг шаддоқ қиз Нилуфарга навбат келганда...

— Даврадаги йигитлардан қайси бирини ёқтирасиз, дейилибди. Мен бунга жавоб бермайман! — деди у шартга.

— Агар жавоб бермасангиз, мен билан ярим соат кўчани айланиб келасиз, — деди савол берган йигит.

— Шу ярим тунда-я! Йўқ, мен бунга ҳеч қачон кўнмайман!

Шундан сўнг қизларнинг бари бу ўйин тартибидан норози бўлиш-

ди.

— Ўн бир йил бир синфда ўқиган бўлса, сизлар бизга худди бегонадек муомала қилиясизлар, — дейишди қизлар.

— Нима бўпти, орамизда бир-бирини ёқтирадиганлар бор. Улар бугунги қулай вақтдан фойдаланиб, гапни бир жойга қўйиб олишар, девдик. Энди учраша оламизми,

умр ҳаммадан олқиш олиб яшаётганлар бор, — деди йигитлардан бири.

— Ҳунар ўрган — хунарда кўп сир, ёпиқ эшикларни очар бирмабир, — дея ҳитоб қилди Улмас.

— Мана орамизда бўлгуси адабиётчи ҳам бор, — деди бир йигит.

— Мен адабиётчи бўлмоқчи эмасман, — деди Улмас. — Уқитувчилик эрақларнинг касби эмас,

молияга борсан деярликлар дадам... — Ие, математикадан анча оқсар эдингку!

— Репетиторга қатнаяман. — Жамиятимиз яхшигина адабиётчини бой бериб, ўртамеёна молиячини ўзига қабул қилар эканда, — дея ҳазил қилди Зоир.

Синфдошлар гап қўшишди: — Битта репетиторнинг ҳар соати фалон доллар туради. Бунга ҳаммамнинг ҳам қурби етмайди. Пул топибдими, бораверсин-да!

— Тўғри, репетитор кўмагисиз ўқишга кириш қийин, ҳозир... — Бу гапларинг хато, — деди Анвар. — Утган йили менинг акам ўзи мустақил тайёрланиб, энг юқори балл тўплади. Мен ҳам бу йил институтга ўз кучим билан кирмоқчиман!

— Ҳаммаям сенинг акангдек, ўз устида ишлайдиган, тиришқоқ эмас-да, — деди Собир. — Агар билсанлар утган йили қишлоғимиздан ўн уч бола институтга борганди, нақ ярмиси биринчи имтиҳондан қулади. Кейин ҳужжатларини олиб институтга-институт югуришди. Гуёки бир амаллаб ўқишга илиниб олишмаса, шу йилнинг ўзида ҳарбийга чақириб кетармиш.

— Ана шуниси ёмон-да! Ҳарбийга кетиб қолмайлик деб дуч келган институтга киришди-да,

Ким бўлмоқчисан, йигит?

(Учинчи воқеа)

Ўртага ош тортилгандан сўнг синфдошлар ҳаммаси Зоирни мақтай кетишди: — Овқат пиширишга уста экансан. Яхшиси, “технология”га бор. Сендан ажойиб ошпаз чиқади.

— Э, ўн йил ўқиб, тўплаган билимимни ошпазликка сарфлайманми?

— Ия, ошпазлик ёмон хунар эканми? Шу касб орқасидан бир

Маҳаммаднинг болалари



Маҳаммаднинг болалари

Кўнглингда не гал бор, синфдош?

Тошкент шаҳридаги 20-ўрта мактабни битираётган ёшлар кўнглида нима гаплар бор?

Исроил АЗИМОВ:

— Кўнгирик овозини яхши кўраман, у жаранлаганда чўчиб кетсам ҳам. Чунки, у менга ҳаётнинг давомчилигини ва шу дунёда менинг борлигимни эслатаётгандек туюлаверади...

Саидазим ҚОРИЕВ:

— Сўнги кўнгирик жиринглайди, энтикмай бўларканми?! Ҳаётингизда энг узун ва энг қисқа кўнгирик эканлигини ҳис қилиб турсанг, ўзингни жуда бошқача сезасан. Ўша дамда ўн бир йиллик умринг кўнгирик оҳанглари таралаётган лаҳзаларга тенг бўлиб қолади.

Мактабни тамомлаётган йигит-қизларга кишининг ҳаваси келади. Баъзан ўн етти ёшли дўстларимизнинг “талаб ва эҳтиёжлари” ўз имкониятлари даражасидан анчагина катталлиги эса ота-оналарни бироз ранжитиб қўймоқда.

— Тўрт фарзандим мактабда ўқийди, — дейди қўшним. — Мактабдаги пул тўплашлардан чарчадим. Ҳаммасиданам битирув оқшомини ўтказиш “дарди”да юрган қизимнинг хархашаси охиб тушди. Дастурхон бизаш учун ҳар кимдан беш минг сўмдан йиғишайпти. Тантана эса қоларли бўлиши учун санъаткорларни чақириб ниятида

эканлар. Унга ҳам пул йиғиш керакми? Қизлар 50 доллардан кўйлак тиктиришгаётган эмиш. Мактабни таъмирлашга бир ярим минг сўм сўрашган. Ундан ташқари ўқитувчиларга совга-салом олиш керак.

Онанинг сўзларини эшитиб ҳайратдан ёқа ушладим. Ёшларни тўғри йўлга солиш шунчалар қийинми? Тўқис дастурхон ичимликсиз бўлиши мумкин-ку?! Бу нарсанинг нохуш оқибатларичи...

Ҳалитдан ортиқча дабдабага ўрганаётган баъзи ёшларнинг келажаги нима бўлади?

Мен бир йигитни биламан. Онаси тушлик учун берган пулларини жамлаб, анча-мунча китоблар харид қилган ва битирар чоғи уларни мактаб кутубхонасига тақдим этган. У шундай дастхат қолдирган: “Китоб доимий дўстингиз бўлсин, укажонлар.”

Мен бу сўзларни ўқир эканман, мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган йигитнинг ўн бир йил таҳсил олган мактабига муносив эсдалик қолдириб кетганидан беҳад қувондим. Лекин битирув оқшомини дабдабаозлик билан ўтказиш ташвишида юрганлардан-чи?.. Улардан нима қолади-ю, келажакда нимага эришадилар?

Лола СОАТОВА,
“Туркистон” мухбири

Сўнги кеча ташвиши

Мактабларнинг бирида бир гуруҳ ёшлар баҳсидан воқиф бўлдим.

— Салом болалар, нима ҳақида тортишасизлар?

Салим (11-синф ўқувчиси):

— Биласиз, мактабни битиришимиз. Битириш кечаси ва венеткага пул тўплаш масаласида келишолмай туривдик.

— Кечани қаерда ўтказмоқчисизлар?

Шаҳноза, уяли телефон кўтариб олган қиз, Салимнинг синфдоши:

— Менга деса бирор кафем, ресторанда қиласак. Тўғри, бунга кўпроқ пул кетади. Лекин ресторанда ота-оналар ҳалақат беришмайди. Кўнчилигимиз. Яхшироқ пул йиғсак, венеткага ҳам, ўтиришга ҳам етади.

Мурод, синф бошчили:

— Шаҳноза, ҳамма ҳам “яхшироқ” пул беролмайди-да. Ҳаммамнинг имконияти ҳар хил. Масалан, Шухрат венеткага пул берса, ўтиришга қурби етмас экан. Шундан ҳижолат бўлиб кетиб қолди.

Лола, Шаҳнозанинг яқин дўстаси:

— Пули бўлмаганлар келмай қўя қолсин.

Ҳилола, синф аълоҳисси:

— Утиришни бирортаимизнинг уйимизда қиласак-чи. Харажати камроқ, ҳам ота-оналар ишониб рўҳсат беришади.

Ҳамид:

— Тўғри, масалан, мени ресторанда юборишмайди.

Наргиза, синфга янги келган қиз:

— Вой, намуноча, нима сенга ишонимайдими? Масалан, мен бугун кечқурун ресторанда овқатланмоқчиман.

Шаҳноза гапга аралашди:

— Э, мен кетдим. Агар келишиб олмасаларинг тенгдош синфдошлар билан кафега бораман.

Синфдошлар тарқалишди. Мурод синфдошларининг суҳбатини изоҳлаб шундай дейди:

— Кўриб турганингиздек, бир неча ойдан бери келишолмаймиз. Синфдошларимнинг иқтисодий аҳволлари ҳар хил. Менга деса, хайрлашиш кечасини Ҳилола айтганидек, бирор кишининг ҳовлисида ўтказасак. Шунда венеткага ҳам пул қолади. Айтганча, утган ҳафта синф мажлиси ўтказиб, айнан шу масалани ҳал қилиш учун ота-оналарни ҳам чақирган эдик. Лекин уларнинг кўпчилиги келмади. Баъзилар битириш кечаси болаларимиз ҳаётида бир марта бўлади, тузукроқ ўтказиш керак, деса, аксарияти хайрлашувни зарурийят бўлса, бирор ҳовлида олдийгина, лекин файли қилиб нишонлаш тарафдори. Аммо шунда ҳам келиша олмадик. Билмадик, бу ёғи нима бўлади...

Чарос ФИЁСОВА,
ТошДУ талабаси.

Маънавий бекамти

ўқишни битирганларидан сўнг бу соҳани хоҳламай, бошқа жойдан иш ахтаришади...

— Бунинг хунук томониям бор. Чаласавод кадрлар ҳеч қайси идорада иш бермайди!

— Узинг севган соҳа бўйича билимингни ошириб, эл-юртга фойда келтирганга нима етсин, — деди Анвар.

Унинг гапидан сўнг даврага жимлик чўкди. Йигитларнинг ҳар бири ўз келажаги, эртанги кунни ҳақида чуқур ўйга толган эди...

Дарвоқе, эртанги кун...

Биз келажакка қандай ўй-хаёллар билан бораемиз? Ўзимиз ва ўзгалар хусусидаги фикримиз, воқеликка муносабатимиз, борлиқ ҳақидаги тушунчаларимиз бизни қай томонларга элтаётир? Мақсадми? Ё орзу-ҳавасми? Ё худ ота-оналаримизнинг хоҳишу истакларими? Бу кун келажақнинг сирли манзиллари сари юзланарканми, ўзимизни ким деб тасаввур этаймиз? Улкан мўъжизалар бизнинг билимимиз, куч ва иқтидоримиз, етук салоҳиятимиз билан яратилажанинглаб ололдими? Ўзгалар кўрсатган орзу-ҳавас йўлидан эмас, ўзимиз танлаган улғу мақсад йўлидан бораемиз, азиз замондошим. Ҳаётнинг пасту баланд кўчаларидан олимлаштиб, аввало иродаимизга суянайлик, виждонимизга тобе бўлайлик. Зеро, машаққатлар ила эришган бахт тенгсиз лаззатлидир.

Сиз Есениннинг шоҳ сатрларини бир эсланг:

Ноёблик бор, қувончда — бахтда,

Висолдан кўп ҳаётда фироқ.
Чиргандан кўра дарактда,
Шамолларда ёнган яхшироқ!

Эгуликнинг ёрқин йўлларидан учрашгунча, омон бўлинг.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

“ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР”

31 май бутун жаҳонда чекишга қарши кун сифатида ўтказилади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунга келиб чекувчилар сони жаҳон катта ёшдаги аҳолисининг учдан бир қисми-

ҳаётдан кўз юмади. Ана шу кўрсаткичнинг 70 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Хулоса қилиб айтганда, чекишни энди бошлаган ёшларнинг ҳар иккисидан бири мунтазам чекиши натижасида 40, узоғи билан

публика Таълим вазирлигининг ташаббуси билан ушбу дастурнинг биринчи босқичи Тошкент шаҳридаги учта мактабда муваффақиятли ўтказилди. Чекишга қарши олиб борилган бу ташвиқот натижаси-



Қизларни кўйтирманг...

ни, аниқроғи, 1,1 миллиард кишини ташкил этмоқда. Таассуфли жойи шундаки, ана шу рақамнинг 200 миллиони аёлларга тегишлидир. Бу борадаги илмий тадқиқотлар натижаси шунки кўрсатаптики, чекиш орқали инсон организмида йигирма бешдан ортиқ касаллик вужудга келиши мумкин экан. Бунинг оқибатида дунё бўйича ҳар йили 3,5 миллион киши

70 ёшгача умр кўрар экан, ҳолос. Бундай нохуш ҳолатлар таъсирини камайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Тамакини орта қолдиринг” шiori остида дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам мана икки йилдирки, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” дастури амалга оширилмоқда. Рес-

да ёшларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигида ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Бу эса мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизини ташкил этадиган ёшлар орасида “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” дастурининг кенг тарқалиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

“Туркистон-пресс”

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида жаҳон андозалари даражасидаги маргарин ва ўсимлик ёғи тайёрлаш йўлга қўйилди.

Суратда: қўшма корхона ишчилари Наргиза Бозорбоева ва Каромат Мирзизовалар.

Р.Нуриддинов суратга олган (ЎЗА)



Қишлоқ ёшлари учун иш ўринлари

Учкўприк туманидаги “Лолахон” қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Фуқаролар йиғини фаоллари, “Истиқбол” хўжалиги раҳбарлари ҳамда тadbirkorлар сaй-ҳаракати билан қарийб икки юз нафар қишлоқ йигит ва қизлари учун янги иш ўринлари яратилди. Айни кунда етмиш киши меҳнат қилаётган мевани қайта

ишлаш билан машғул жамоа тadbirkorларининг ташаббуси билан 15 та кичик корхона ташкил этилди. Қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган 5 та деҳқон фермер хўжалигида ҳам етмишдан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда.

— Бизнинг ҳудудимизда 10 минг кишидан кўпроқ аҳоли истекомат қилади, дейди “Лолахон” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тоҳиржон Аҳмедов. — Ҳар

қандай иллат ишсизлик, бекорчиликдан чиқади. Ана шунки ҳисобга олган ҳолда ёшларни иш билан таъминлашга имкон қадар ҳарakat қиляпмиз. Шунингдек, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялашга ажратилган маблағларни тўғри ва ҳолис тақсимлаш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишидир. Шу мақсадда 17 кишидан иборат комиссия тузиб, унинг таркибига ҳар бир маҳал-

Мамлакатимиз кино санъатида “Қорақалпоқфильм” киностудиясининг ҳам ўз ўрни бор. У 1971 йили ўзбек кинохроника студиясининг бўлими сифатида ташкил топган эди. 1991 йилдан эътиборан эса бўлим хўжалик ҳисобида иш олиб борувчи мустақил киностудияга айлантирилди. Эндигина 26 баҳорни қарши олаётган бош муҳаррир Баҳмадуллоҳ Нурабдуллаев билан киностудиянинг бугуни ва истиқболлари борасида фикрлашдик.

— Сиз “Қорақалпоқфильм” киностудиясида суратга олинган фильмлардан қайси бирига энг юқори баҳо берган бўлардингиз?

— Ҳазина даражасида ўлчанадиган фильмларимиз анчагина. 1992 йилда яратилган “Айрилиқ” фильми бутун қорақалпоқ халқи қалбини ларзага солди. Чунки ушбу фильм қорақалпоқ миллий эстрада асосчиси Замира Хўжаназарова ҳақида эди. Замира опа 30 ёшида фожеали ҳалок бўлган. Фильмда унинг қисқа ҳаёти ва армонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

— Ҳозир қандай фильмлар устида иш олиб бораёпсиз?
— “Онажон” деган фильмимиз ниҳоясига етай деб қолди. “Бешик” ва “Ҳаким ота” фильмларини суратга олиш ишлари-

ҚОРАҚАЛПОҚ КИНОЧИЛАРИНИНГ УМИДИ

ни бошлаб юбордик. “Ҳаким ота” фильми машҳур тасаввуф шоири Сулаймон Боқирғоний ҳақида. Асосий лавҳалар Кўнгирот туманида қад ростлаган Ҳаким ота зиёратгоҳида тасвирга олиниши мўлжалланмоқда. Шунингдек, “Файласуф муаллим” деб номланган фильмни суратга олиш давом этапти. Бу маҳсулотимиз қорақалпоқ фарзанди Жуманазар Борозоев тўғрисида. Жуманазар домланинг Мовароуннаҳр тарихини дастурлаштирган илк олимлардан эканини кўпчилик яхши билади. Ўрта мактабларда ҳам “Одобнома” дарслиги асосан унинг фикри, кўрсатмалари асосида ўқитилмоқда.

Бундан ташқари шу йил учта бадий фильми қорақалпоқча ва ўзбекчага дубляж қилишни кўзляяпмиз.

— Иш бор жойда, муаммо ҳам бўлади. Шундай эмасми?

— Тўғри. Биз хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатамиз. Лекин, яширишдан нима фойда, маблағ масаласи кейинги пайтда қийнаб қўймоқда. Маҳсулотимизнинг асосий харидори бўлган

Нукус телевиденисининг дарди бизниқидан “огирроқ”. Улар ҳам қозонни сувга осгач, биз нима ҳам қила олардик. Фильм ишлаш учун жуда кўп маблағ талаб қилинади. 10 дақиқалик хужжатли кино асарига 1.800 минг сўм пул зарур. Махсус, сифатли киногоасмалар, замонавий жиҳоз ва ускуналар олиш ҳам муаммо. Видеокамераларда тасвирга олинган маҳсулотларимизнинг умри ошиб борса 10 йилга етади. Сўнг сифати бузилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади. Оқибатда келажак авлодлар учун зарур ва манфаатли ишларининг барчаси шамолга соврилгандек беиз йўқолади.

Лекин қийинчиликларимиз кўп бўлса ҳам, келажакдан умидимиз катта. Чунки бизнинг жамоада ижодий салоҳият ҳавас қилса арзигудай. Яхши, қалами ўтқир журналист ва ёзувчиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб Қорақалпоқфильмни ривожлантириш чораларини изляяпмиз.

Сухбатдош: П. ЭРМАТОВ, ўз мухбиримиз

роқ Утган йили оилавий ажралишлар қайд этилмади.

Айни вақтда ҳар бир қишлоқда янги гузар ташкил этилди. Автобус бекатлари қурилиши, тозалик, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда “Энг обод маҳалла”, “Энг обод қишлоқ” кўрик-танловлари ўтказилди. Шу кунларда 500 ўрнили янги мактаб қурилиши авж олдириб юборилди.

Расулжон Камолов, ЎЗА мухбири

Мен уларга яқинлашганим сайин мендан узоқлашадилар. Шу қадар сева бошлаганим сари тобора ёмон кўра бошладим. Дўстим деб ардоқлаган ҳар онимда душманликни ифода қилавердилар...

Уларни ўйласам сайлгоҳда томоша қилган суратлар эсимга тушаверади. "Зарафшон" ресторанининг ёнгинасида мусаввир ўзининг бетакрор суратини кўйиб кўйганди. Унда чиройли, сулувгина манзара акс эттирилган. Унга мафтун бўлиб яқинлашдим. Ёнгинасига борганимда хушрўй гуллар жилоси галати бир тарзда чаплашиб, хунуклашиб кетгандек туюлди. Ўзимни алҳол узоқроққа олиб қочишга улгурдим. Олисан туриб яна суратга нигоҳ ташладим. Чиройли, бетакрор манзара яна оҳанграбодай ўзига эътиборимни жалб қилаётгандек эди. Яқин боришга ҳадиксирадим. Севимли тасвир хунуклашиб кетмасин дея уни йироқдан томоша қилдим. Шундан бери мусаввирлар асарларига олисан нигоҳ ташлайман.

Кечирсину, мен азиз бил-

ган инсонлар ҳам ўша суратларга менгзаиди. Уларга, ҳатто, орамиздан қил ўтмас даражада яқинлашганим сайин уларнинг қалби чаплашиб кетиб, мени гарангситаб кўяди. Бир пайтлари ҳавас қилган одамларимнинг қалби ранг-сиз ва маъни-

**ДўСТ
ИЗЛАСАМ**

дан оғриниб, ўзимни узоққа опқочаман. Опқочаману, иккинчи уларга яқинроқ нигоҳ солиш тугул, олисроқдан ҳам кўз ташлашдан ўртанаман.

"Сен ҳеч кимга дўст эмасан. Сен ҳамрозу ҳамнишини йўқ якка маҳовсан" деб таъна тошларини отишади мен кечиб юборган кимсалар. Йигитлик гурурим голиб келиб, кўз ёшини қалбимга топшираман. Хўнграб-хўнграб йиғлайди кўнглим. Ахир ёлғизликдан

ортиқ жазо йўқ-ку, дунёда. Алҳол, бир эски қораламаларим ичидан қачонлардир битиб кўйган шеъримнинг биргина сатри уларнинг гурунглари асоссиз эканини исбот этади:

"Энг буюк салтанат ичимда..."
Дарвоқе, мен битган бу таскинларга уйқаш оҳанглари сал кам минг йил муқаддам Жалолиддин Румий "Ичингдаги ичингдадир", - дея такаллум қилганлар.

"Ичингдаги ичингдадир."
Рост, ичингдаги қалбиндан ортиқ дўст борми дунёда. Шу дўст сен бўлиб ёнади, қуяди, йиғлайди, масрурланади. Фақат шу дўстга боқиш ҳузурли экан, ҳам яқину, ҳам узоқдан... Фақат шу дўст чаплашмайдиган, хунуклашмайдиган ранглар билан хушрўйдир.

Дунёнинг минг турли кўчаларида изгишдан чарчадим. Энди борсам ёлғиз тўзал сиймоли ИЧИМДАГИ ИЧГА - ҚАЛБГА бораман.

Эрпўлат БАХТ,
Хоразм

Кўнгда муъжизаси

ҲИЖРОН

Гуллар эксам очилиб гул йиғлайди,
Гулин кўриб, бахтсиз кўнгил йиғлайди,
Ёлғизликдан безган бу дил йиғлайди,
Ҳижрон ҳанжар бўлиб бағрим тиглайди.
Умрим карвонида армон йиғлайди.

Кута-кута қолиб кетсам туманларда,
Рашқдан ёниб кўнглим тўлса гумонларга,
Барибир сизни беролмасман ёмонларга,
Майли, рангим ўхшаб қолса, сомонларга,
Ўтса, ўтсин йиллар соғинч, армонларда.

Сизни менга ардоқлатган ҳаёлим бор,
Осмон, сизга айтар минг-минг саволим бор.
Орзу билан эккан минг бир ниҳолим бор.
Ниҳолларим буй чўзсалар осмонларга,
Умрим ўтмас соғинч билан армонларда.

Баҳодир РАСУЛОВ,
талаба

КЕАГИА МУҲАББАТ!

Эй қалблар офтоби, эй олий туйғу!
Киргил юрагимнинг қати-қатига,
Нозик эҳтирослар торини чертиб,
Эрийин нафасинг ҳароратиға.

Куйдиргил тапимни, куйдир жисмимни,
Лаҳча чўғ бўлиб-о, кетсинлар ёниб.
Юрагимга ёзгил ўйиб исмингни,
"Мажнуним — шу" дея, юр гурурланиб.

Шалола бўлиб кел, кўприб, тошгил,
Ўйноқлаб қир-адир, тоғу тош ошгил.
Саҳроларда тиланчингман, зорингман,
Бергил обихаёт, кел тезроқ шошгил.

Баҳорий чечак бўл, илдишлар отгил,
Қалбимнинг кенг тақир далаларига.
Шифобахш малҳам бўл сирли, илоҳий,
Дилимнинг занг босган полаларига.

Армонлар, аламлар чиқсин ситилиб,
Йиллаб уя қурган юракларимдан.
Сен менга, мен сенга бўлайлик қанот,
Шод бўлай кимгадир кераклигимдан.

"НИГОҲ"НИНГ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

"Камолот" жамғармасининг "Камолот - Мўтти" студияси қошидаги "Нигоҳ" ижодий ўқув марказини дастлабки тингловчилар битирди. Машгулотлар ҳақида тингловчилар фикри:

Нигора ИБРАГИМОВА:

— Олти ой давомида телевидение суҳандони соҳасига ўқидим. Мураббийларимиз — таниқли санъаткор Эргаш Каримов, Шерали Ҳожиев, Роза Каримова, Нодир Шодиевлар бизга актёрлик, режиссёрлик маҳоратлари, шунингдек, сахна ҳаракати сирларини ўргатдилар.


Наргиза ҲАМДАМОВА:

— "Нигоҳ" ижодий ўқув марказида олган таҳсил келгуси ҳаётимда асқотишига ишонаман. Чунки устозларимиз бизга ўз танилаган касбимизни фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам пухта ўргатдилар. Айниқса, суҳандон Раъно Жўраевнинг сабоқларини мароқ билан эшитиб, у кишидан кўп нарсалар олдим.

Шуҳрат ЖўРАЕВ:

— Барча мураббийларимнинг ўз касбининг билимдони эканлиги ва талабчанлиги, айниқса маъқул келди.

Рўзи БОЙ
ёзиб олди



Ҳунарманд қиз

ОЛИМПДАГИ ЗЕВС ҲАЙКАЛИ

Қадимги юнон афсоналаридан бирида Крон исмли худо ҳақида хикоя қилинади. У зурвонлик билан отасини тахтдан тушириб, урнига ўзи олий худо мартабасини олади. Шунда башоратчилар Кроннинг пешонасига ҳам отасининг қисмати ёзилганини, яъни у ҳам фарзанди томонидан маҳф этилиб, хору зор бўлишини айтадилар. Рундан даҳшатга тушган Крон рафиқаси маъбуда Рея туққан ҳамма гўдақларни еб қўяверади. Бу Реяни чексиз ғамалам гирдобига ташлайди. Лоақал битта фарзанди омон қолишини истаган она Крит оролига қочади. Шу ерда Зевс



дунёга келади. Маъбуда уни горга яширади ва бир тошни йўргаклаб, эри ҳузурига қайтади. Крон йўргакланган тошни ютиб юборади.

Горда қолган Зевсни Амалфия деб аталган эчки ўз сuti билан боқади. Айтишларича, чақалоқ йигиси ташқарига эшитилмаслиги учун ҳарбий соқчилар ўз найзаларини тинимсиз бир-бирига уриб, шовқин солиб турган эмиш. Шу зайлда йиллар ўтади. Зевс улғайиб кучга тулғач, ўз отаси ҳақида бор ҳақиқатни эшитади ва уни яккама-якка жангга қақиради. Муҳорабада голиб чиққан Зевс отасидан ака-сингилларини топиб беришни талаб қилади. Иложсиз қолган Крон ўзи ютиб

юборган болаларидан Посейдон ва Аидани ҳаётга қайтаради. Эндиликда олий худо ҳисобланган Зевс барча денгизларни Посейдонга, ер ости дунёсини Аидага ҳада этиди.

Юнонлар Зевснинг қонхўр Крон устидан қозонган ғалабаси шарафига Олимпия байрамини таъсис этганлар. Ҳар тўрт йилда бир марта Олимп тоғида ўтказиладиган бу байрам бутун Юнонистонга донги кетган бўлса-да, унинг шуҳрати Зевс номи билан аталадиган ибодатхонага

тенглаша олмади. Айниқса, бу ердаги маҳобатли Зевс ҳайкали ҳар қандай кишини ҳайратга соларди. У

Афина-Дева ҳайкали муаллифи сифатида шуҳрат қозонган Фидий томонидан яратилган эди. Моҳир ҳайкалтарош ўзининг бу бетакрор асарини юзлаб шогирдлари ёрдамида бир неча йил давомида бунёд этган. Афсуски Зевс ҳайкали бизнинг давргача етиб келмаган. Юнонистонда тез-тез такрорлиби турадиган зилзилалар мустаҳкам тошдан қурилган қасрлару ибодатхоналар қаторида дунёнинг бу муъжизасини ҳам Аида салтанатига тортиб кетди.

М. МИРЮСУПОВА
тайёрлади

ДАСТУРҲОН АТРОФИДА

Нонушта, тушлик, кечки таомга ёки бир пиёла чойга таклиф этилсангиз, асло кечикиб борманг.

Аёл киши дастурхон ёнига келиб ўтирмагунча ва уй эгаси ёки бекаси жойингизни эгаллашни таклиф этмагунча ўтирманг.

Аёл кишини дастурхон ёнига кузатиб бораётганингизда чап қўлингизни эмас, ўнг қўлингизни таклиф қилинг.

Шуни унутмангки, ёнингиздаги, айниқса, ўнг томонингиздаги аёл сиздан мулозамат бўлишини кутади. Унга сиз таништирилган ёки таништирилмаганингиздан қатъий назар эътибор беришингиз лозим.

Дастурхонга жуда яқин ёки жуда узоқ ўтириб олманг. Салфеткани кийим ёқасига тиқиш, кўксига ёйиш одобдан эмас, тизза устига қўйган маъқул.

Дастлаб аёлларга хизмат қилиниши зарур. Суяқ овқатни қошиқ учидан ичманг. Биринчи овқатни қўшимча сўраманг.

Ликоп узра энгашманг. Имкон қадар қаддингизни рост тутинг. Дастурхондан бирон-бир нарса олмоқчи бўлсангиз, бировнинг ликопи устидан қўл чўзманг.

Нонни санчқи билан эмас, қўл билан олиб енг.

Яхлит нон бўлагини тишлаб еманг, аввал ундан бўлакча олинг.

Яхлит нон бўлагига сариёғ сурманг. Нонни аввал бўлакларга бўлган ҳолда, суртинг. Суяқ овқатта нон бурдалаб солиб тановвул қилманг.

Пичоқ учига бирон нарса илиб еманг. Пичоқни ҳеч қачон оғизга олиб борманг. Таомни санчқига сиққанча олинг.

Таомни ёйишда асло шошилманг.

Оғзини тўлдириб таом еманг.

Тирсақларингизни ёйиб ўтирманг, тирсақлар белингизга ёпишиб турсин.

Тирсақларни дастурхон устига қўйиб ястаниб олманг.

Қадаҳ ва финжонни баланд кўтарманг.

Санчқи билан ёйиладиган таомни қошиқ билан еманг.

Суяқ овқат ёки гўштни охиригача еб, ичишга урунманг.

Иккинчи таом учун ликопни ўзингиз узатманг. Буни хизматчи бажаргани маъқул. Яхшиси, иккинчи таомни умуман сўраманг.

Суяқ ва бошқа нарсаларни ликопга туфламанг. Суяқни оғиздан санчқи билан илиб олинг, бунда санчқи лабингизга яқин турсин, кейин уни ликопга қўйинг. Мева данагини сездирмай қошиққа туширинг.

Яқинингизда хизматчи турган бўлса, қўшингиздан бирон нарса узатишни илтимос қилманг.

"Расмий ва порасмий
учрашувлар одобномаси"дан

"ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ"ДА

"Туркистон"газетаси таҳририяти ҳузурдаги "Шеърят сабоқлари"нинг навбатдаги машғулоти бўлди. Уни таниқли шоир Рауф Парфи ўтказди.

Машғулотда Ўлмас Холминов, Баҳром Али, Нигора Усмонова, Ғофур Жабилов, Норбек Ниёзов, Алишер Назар каби шеърят ихлосмандларининг машқлари

тингланди. Ёшлар ва устоз Р.Парфи тақдим этилган асарлар хусусида фикр билдирди.

Шунингдек, ёшлар адабиёти, шоир маҳорати хусусида ҳам бахслар бўлди.

"Шеърят сабоқлари"нинг навбатдаги машғулоти 16 июнь, чоршанба кунини ўтказилади.

Туркистон-пресс

АШГАБАД. Янги мустақил давлатлар тарихида биринчи марта ҳарбий булмаган шахс Мудофаа вазири этиб тайинланди. Туркманистон Президенти Сапармурод Ниезов нефть ва газ соҳаси учун масъул ҳисобланган бош вазир ўринбосари Ботир Саржаевни ҳарбий ташкилот раҳбарлигига тасдиқлади.

БИШКЕК. Қирғизистон томони Қозоғистоннинг иккита қўшни вилоятига борадиган оқар сув йўлини тўсиб қўйди.

Ҳукумат вакиллари бу ҳолни Қозоғистон сув ва электр энергияси эвазига Қирғизистонни кўмир билан таъминлаш юзасидан ҳукуматлараро битимда зиммасига олган мажбуриятини бажармаганлигига муносиб жавоб сифатида изоҳламоқдалар.

ДУШАНБЕ. Бирлашган тожик муҳолифати етакчиси Саид Абдулло Нурий номидан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоновга йўлланган баёнотда, жумладан, республикада 1998 йилда кейинга сурилган парламент сайловини ўтказиш зарурияти мавжудлиги ҳақида сўз боради.

Илгари Э.Раҳмонов Тожикистонда Президент сайлови 1999 йилнинг 6 ноябригача, янги парламент сайлови эса 2000 йилнинг февралига қадар ўтказилиши лозимлигини маълум қилган эди.

КИШИНЁВ. Молдовада аҳолининг сусткаш иштироки оқибатида республика Президентига кенгроқ ваколатлар беришга зарурият бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган умумхалқ сўрови бекор қилинди.

Сайлов комиссиясининг маълумотларига қараганда, овоз беришда қатнашган фуқаролар миқдори 60 фоизга ҳам етмаган. Бу эса, табиийки, референдумни қонуний деб эътироф этиш учун имкон бермайди.

ҲУКУМАТ – ЯНГИ ВА ЯНГИ...

Шу ҳафтанинг бошларида Президент Борис Ельцин Россия Федерацияси янги ҳукуматининг 19 нафар аъзосини тайинлади.

Улар сирасида ҳукумат раҳбарининг биринчи ўринбосари Михаил Задорнов, бош вазир ўринбосарлари Валентина Матвиенко ва Владимир Шербак бор. В.Шербак айна пайтда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазири ҳам этиб тасдиқланди.

Шунингдек, ҳукумат аъзоларини тайинлаш чоғида 8 та вазирликка янги раҳбарлар қўйилган бўлса, бошқа 8 та вазир ўз лавозимларида сақланиб қолди.

Янги ҳукумат раиси Сергей Степашин маҳкама таркибида бош вазирнинг иккита биринчи ўринбосари тенг асосда ишлаши кўзда тутилган янги тизим Президент томонидан тасдиқланганини айтди. Шундай қилиб, эндиликда бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимларида Николай Аксененко ва Михаил Задорнов фаолият кўрсатадилар.

Аксарият синчиларнинг фикрича, Березовскийнинг одами деб саналаётган бош вазир биринчи ўринбосари Аксененконинг қўл остида нисбатан кўпроқ ваколатлар тўплаши мумкинлигига



масдан, ҳукуматнинг аниқ иқтисодий масалалари билан айнан Задорнов шуғулланади. "Фикри ожизмча, Задорнов шунчаки иқтисодий ҳалокатдан сақлаб туришга интилади, холос. Аксененко молиявий фаолиятни на қанчадир миқёсда стратегик режалаштиришга ва на жиддийроқ тактик режалаштиришга қодир эмас", дейди сиёсий-гуманитар тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари Алексей Кузьмин.

Москва шаҳри мэри Юрий Лужков эса янги Вазирлар Маҳкамасига кадрлар танлашда уларнинг ишчанлигидан кўра сиёсий маслағига кўпроқ эътибор қаратилган деб ҳисоблайди. "Биргина Георгий Бооснинг солиқ ва йиғимлар вазири лавозимидан бўшатилишининг ўзиёқ кадрлар танлаш жараёнининг сиёсий қиёфасидан дарак бериб турибди", дейди Ю.Лужков. Москва ҳокимининг ўқитишича, "Лужковнинг одами" деб ном ортирган Г.Боос сингари ноёб қобилиятли иқтисодчининг вазирликдан истеъфога чиқарилиши давлатга ҳеч қанча фойда келтирмайди".

ТБИЛИСИ. Грузия ҳукуматиға қарши фитнада иштирок этганликда гумон қилиниб, мамлакатда бир гуруҳ кишилар қўлга олинди.

Маълумки, яқинда оммавий ахборот воситалари Грузия Президенти ва давлатнинг бошқа раҳбарлари ҳаётига суиқасд уюштиришни ҳамда турли кўпоровчилик ишларини амалга оширишни режалаштирган террорчилик ҳаракати махсус хизматлар томонидан фош этилгани ҳақида хабар тарқатган эди.

МИНСК. Республика пойтахти марказида бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари Беларуссия ҳукуматидан барча сиёсий маҳбусларни озод этишни талаб қилдилар.

Муҳолифатдаги социал-демократик партия вакиллари фикрича, сиёсий айблар билан ҳибсда сақланаётган кишилар сафида собиқ бош вазир Михаил Чигирь, шунингдек, тарқатиб юборилган 13-қақриқ Олий Советининг депутатлари, таниқли раҳбарлар ва ишбилармонлар, сиёсий арбоблар ҳамда жамоатчилик вакиллари бор.

МОСКВА. Шу кунларда Россия пойтахтининг сершовқин марказларидан бўлган Арбатда А.С.Пушкиннинг 200 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

Юбилей тантаналари чоғида, жумладан, шорнинг бу ерда жойлашган уйи рўпарасида Пушкин ва Гончарова хоним шарафига ёдгорлик очилиши белгиланган.

ОСТОНА. Қозоғистон ҳукумати томонидан бевосита хорижий сармояларга жалб этиш бўйича 1999-2000 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Республика инвестиция агентлиги раиси Анвар Сайде-айтишича, бугунги кунда Қозоғистонга хорижий сармояларни киритиш билан боғлиқ ташқи шарт-шароитлар "фавқулудда унғай-сиз" аҳволдадир.



Туркистон-пресс

БҮЙИГА:


1. Кўнгли шод, хурсанд.
2. Кўшиқчи.
3. Сўзларнинг боғланиш тури.
4. Миллий таом.
5. Тадбир, мусобақа.
11. Чуқур маъноли, ихчам, ҳикматли сўз.
13. Сўз боши ..., иш боши интизом.
15. Яқин қариндош.
16. Эрондаги шаҳар.
17. Қасам.
18. Одат, анъана.
21. Одобли.
22. Бутун сон.
24. Ижодкорларга бериладиган ҳақ.
26. Кучли, бақувват.
28. Уюшмаган гуруҳ.

ЭНИГА:

6. Хонлик давридаги ҳарбий қурол.
7. Лаънатланган.
8. Қадимги юнон олими.
9. Қозоғистондаги дарё.
10. Чекувчи.
12. Тенг томонли тўғри тўртбурчак.
14. Таомга қўшилган модда.
19. Қонун ҳимоячиси.
20. Ўқув даргоҳи.
23. Тумарис қабиласи.
25. Яқка ҳокимликка асосланган монархия давлати.
27. Фирдавсий асари.
29. Африкадаги дарё.
30. Сурурли.
31. Таҳсин, ташаккур.
32. Адолатли.

Тузувчи: **Миралӣ БОЙМУРОДОВ,**
талаба

Б О Ш Қ О Т И Р М А



ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

"Туркистон"нинг 19 май сонида эълон қилинган бошқотирма жавоблари

КВАДРАТГА:

(соат мили бўйича):

1. Тахиатон.
2. "Синчалак".
5. Алгоритм.
7. Оклахома.
22. "Настарин".
23. Синтагма.
24. Ложувард.
25. Телеграф.
40. Антилопа.
41. Наманган.
42. Арканзас.
43. Сифатлаш.
58. Интернет.
59. Филиппин.
60. Амазонит.
61. Бойчечак.
76. Институт.
77. Қорадарё.
78. Будапешт.
79. Кислород.

БҮЙИГА:

2. Этак.
4. Охун.
6. Илоқ.
11. Арзон.
12. Атлас.
13. Рўмол.
14. Хомут.
19. Чанғи.
20. Тагор.
21. Қайин.
29. Ада.
30. Арман.
31. Вобла.
32. Гилос.
37. Карам.
38. Қарор.
39. Шашка.
47. "Лазги".
48. Насаф.
49. Немча.
50. Таноб.
55. Ҳоким.
56. Қайиқ.
57. Ахил.
65. Регби.
66. Пичоқ.
67. Офтоб.
68. Етмак.
73. Рига.
74. Қува.
75. Араб.

ЭНИГА:

8. Хатна.
9. Нўхот.
10. Гилам.
15. Узун.
16. Фалес.
17. Қомус.
18. Нима.
26. "Санам".
27. Нигер.
28. Жийда.
33. Савр.
34. Тумор.
35. Қибла.
36. Лола.
44. Турна.
45. Марка.
46. Кашта.
51. Азов.
52. Қасам.
53. Ҳамза.
54. Шина.
62. Такси.
63. Лайли.
64. Ариза.
69. Эгар.
70. Фучик.
71. Патир.
72. Ҳумо.
80. Сигир.
81. Равиш.
82. Диаго.

Мамлакатимизда биринчи марта эркин, ювон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Қарийб 15 давлатдан ташриф буюрган турли вазн тоифасидаги спортчилар майдонда эпчиллик ва тиришқоқликларини намойиш этишди. Юртдошларимиз Адхам Очилов, Сослан Фраев, Рамиль Исломов, Аслан Санакаев, Игорь Купеев, Руслан Хинчаговлар ўз маҳоратлари билан мухлислари қалбига қувонч бахш этди.

Эркин кураш бўйича мусобақада юртдошларимиз 8 вазн тоифасида гиламга тушишди. 54 кг. вазн тоифасида ҳамюртимиз А. Очилов шимолий кореялик Хан Йонг До билан баҳслашиб, 6:8 ҳисобида имкониятни бой берди. 58 кг.лик юртдошимиз Д. Захардинов эса ярим финалда шимолий кореялик Ри Йонг Самга 3:1 ҳисобида ютқазди. Бироқ ҳар иккала полвонларимиз 3-4 ўринлар учун ўтказилган

ПОЛВОНЛАРИНИНГ ЗҮРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

беллашувларда рақиблари устидан галаба қозонди ва XIII Осиё чемпионатининг бронза медалини қўлга киритишди.

Яна бир вакилимиз, 63 кг вазнли, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Рамиль Исломов ярим финалда шимолий кореялик Ким Хвонг Илни мағлубиятга учратиш, финал босқичига йўлланма олди.

Кураш ишқибозлари томонидан катта ишонч билан тилга олинаётган юртдошимиз Игорь Купеев эса қозғистонлик Руслан Велиевнинг елкасини ерга текказди, у олтин медаль учун навбатдаги баҳсада иштирок этади. Унинг рақибни япониялик Вада Такахино бўлади.

97 кг. вазн тоифаси бўйича ўтказилган курашда ўзбекистонлик Сослан Фраев қозғистонлик И. Байрамуковга имкониятни бой берди, энг оғир вазн (130 кг) тоифада беллашган Георгий Кайсинов ҳам хитойлик Чин Хангонингни 3:0 ҳисобида енгиб, финалга йўлланма олди. Георгий олтин медаль учун бўладиган сўнгги мусобақада эронлик полвон А. Резайи билан куч синашди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган Осиё чемпионати Ўзбекистон республикасининг қудратли ва спортсевар давлатга айланаётганлигини яна бир қарра исботлади.

Рўзи БОЙ

СУРБЕТ ИЛОН

Африкалик Антони Антониу эрталаб уйғонса, каравоти ёнида нақд уч метрли бўлма илон маза қилиб ётган экан. Қўрқиб кетган Антони полицияга хабар берди, улар мутахассисларни чақирди. Чақирилмаган "мехмон" ухлаган жойидан қўзғатилиб, Афина шаҳридаги судра-

либ юрвчилар кўрғазма-сига элтиб қўйилди. Кўрғазма маъмурияти аввалига судралиб юрвчи яна бир боқимандани олгиси келмади. Мутахассислар бу саёқ илон тунда овга чиққан, аммо қайтишда уйини топа олмаган, деган хулосага келишди.

СУПЕР ОНА

Америкалик Дебра О'Ди йисли аёл ҳар кун 6 фарзандга оқат тайёрлайди, кийимларини ювади, чўмилтиради, эрига қарайди... Бу юмушларнинг барчасини у... қўлсиз бажаради. Аслида унинг қўллари бор, аммо гўдақлик чоғларидан ишламайди. Ўша пайтда шифокорлар

бола улгангач, бирорта ҳам юмушни урдамай олмас керак, деб ўйлаган эди. Аммо ирода кучи, яшашга бўлган иштиёқ туфайли у ўзини ногирон деб ҳисобламади. Ҳар қандай ишга ўзини урди. Дебра 1987 йилда турмушга чиқди. Ҳозир 6 та фарзанди бор. У болаларини оёғи би-

ЮДАУВААР САМОДАН ЎЗВААНАН

(31 МАЙДАН-
6 ИЮНГАЧ)


ҲАМАЛ. Душанба ва якшанба кунлари кўнглигизга пул тушади. Сешанба ҳамкор топасиз. Чоршанбада ишингиз юришади. Пайшанба ва жума кунлари сизга кўнгироқ қилишади. Шанба кун соғлиқни ўйланг.

САВР. Ҳафта бошида, жума ва шанба кунлари сизни сўроқлашади. Сешанба ва пайшанбада сиз билан дўстлашиш учун ҳаракат қилишади. Унумли ва баракали ўтган ҳафтанинг сўнгги кун дам оласиз.

ЖАВЗО. Душанба зиддиятли ўтади, аммо сешанбада хушхабар эшитасиз. Чоршанба ижодкорлар кун. Пайшанбада эски хасталиклар хуруж қилади. Жумада ишлар бароридан келади. Шанба ва якшанбада молиявий муаммолар ҳал этилади.

САРАТОН. Душанба ва сешанбада сизни сўроқлашади. Чоршанба ва пайшанбада ишлар юришмаса, қайгурманг. Жумада дўстларингиз сизни йўқлайди. Дам олиш кунлари ишқий саргузаштлар кутяпти.

АСАД. Ҳафтанинг биринчи кун кайфиятингиз ўзгариб туради. Сешан-



ба, чоршанба, жума ва якшанбада иқтисодий муаммоларингизни ҳал этишга дадилроқ киришинг. Пайшанбада кўнглигиз равшан тортадиган ҳодиса юз беради.

СУНБУЛА. Душанба кун янгиликдан воқиф бўласиз. Сешанба ва жумада ҳамкорлик билан боғлиқ ишлар юришади. Чоршанбада соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Пайшанбада алдашга ҳаракат қилишади. Шанбада севишганлар учрашуви. Якшанбани хордиқ учун сарфланг.

МЕЗОН. Душанба ва чоршанбада дўстлар дийдорига тўясиз. Сешанбада хушхабардан воқиф бўласиз. Пайшанба кун хушнуд кайфиятда бўласиз. Жума ва якшанбада соғлиқ-кайфиятингизни авайланг. Шанбада севган кишингиз сизни йўқлайди.

АҚРАБ. Душанба кун ишларингиз бароридан келади. Сешанба, пайшанба кунлари яхши харид қиласиз. Чоршанба кун соғлигингизни ўйланг. Жума ва шанба кунлари хордиқ чиқаринг.

ҚАВС. Ҳафтанинг биринчи ва иккинчи кунлари янгиликлардан хабардор бўласиз. Чоршанба кун ҳамёнга пул тушади. Пайшанбада ишлар юришади. Жумада соғлиқ безовта қилини мумкин. Шанбада кайфиятингиз ёмон. Якшанбада суюкли одам бағрида бўласиз.

ЖАДЪЙ. Ҳафтанинг душанба ва жума кунлари сизга омад келтиради. Сешанбада кўнгироқ кутинг. Чоршанбадан хафа бўлманг. Пайшанба кун дам олинг. Шанба ижодкорлар кутган кун. Якшанбада ҳамкорлар учрашуви.

ДАЛВ. Душанбада ёқтирган одамнингизни учратасиз. Сешанбада ишлар — о'кей! Чоршанбада сизни алдашга ҳаракат қилишади. Пайшанбада сўроқлашади. Жумада ишлар юришади. Шанба дўстлар дийдорини ҳада этади. Якшанбада соғлиқни ўйланг.

ХУТ. Душанба ва жума кунлари молиявий ишлар юришади. Сешанба ва чоршанбада яқин кишингизни соғинасиз. Пайшанбада хабар эшитасиз. Шанба ва якшанбада ҳамкорлар билан учрашув.

Шайхонтоҳур туманидаги "Сень Дик" масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри ва бурчакли тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЁШЛАР СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкентда Ўзбекистондаги университетлар талабаларининг спорт мусобақаси — биринчи Универсиада тантанали равишда очилди. Унда юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистондаги университетлар ва икки институтдан келган 19 жамо таркибидан минг нафардан зиёд талабалар спортнинг волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, кичик футбол сингари турлари бўйича ўзаро куч синашмоқда.

— Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар юртимиз шўхратига шўхрат қўшиб келган, — дейди Универсиада матбуот маркази бошлиғи Қоражон Тошмуродова. — Мазкур спорт мусобақаларининг ўтказилиши эса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

Ҳозирда мусобақалар қизгин давом этмоқда. Стол тенниси бўйича ўтказилган якуний босқич ўйинларида Тошкент Давлат университети биринчи, Жаҳон Иқтисоди ва Дипломатия университети жамоалари эса иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ТошДУнинг жамоалари баскетбол, гандбол бўйича, кичик футбол бўйича эса ҳозирча Тошкент Давлат педагогика университети вакиллари пешқадамлик қилишмоқда.

— Ҳукуматимиз биз ёшларнинг нафақат билим олишимизга, балки спорт билан шуғулланишимизга ҳам жиддий эътибор бермоқда, — дейди мини-футбол бўйича мусобақа қатнашчиси, Тошкент Давлат техника университети талабаси Бахтиёр Солиев. — Буни ҳозир ўтказилаётган беллашувлар ҳам исботламоқда. Ундан ташқари мусобақа баҳонасида республикамизнинг барча вилоятларидан кўпгина дўстлар орттирдим.

— Мусобақа уюшқоқлик билан ўтказилаётганидан хурсандман, — дейди ТошДУнинг биология факультети талабаси Маъмура Халимова. — Мен стол тенниси бўйича Универсиадада иштирок этапман. Қизлар орасидаги беллашувда ғолибликни қўлга киритишга астойдил интилаяпман. Нокамтарлик бўлмасину, лекин галабага астойдил ишонаман.

Универсиада доирасидаги спорт баҳслари бугун ҳам давом этади.

Назокат УСМОНОВА

лан чўмилтиради, аммо уларни кийинтираётганида кийимлар тугмаларини қадашга қийналади.

— Худо мени қўлла-

римдан маҳрум этган бўлса-да, бироқ ҳаётга муҳаббатли қилиб яратган, — дейди ўзини бахтли она деб ҳисоблайдиган Дебра.

Қўл югуруги... Бошга

Руминиялик йигирма ёшли йигит полициячиларнинг автомашинасига ўғрилиққа тушди. Ундан радиоприёмникни счиб олди. Машина жапончасини очиб, чиройли нотаниш ёзувни идишни кўриб, қиммат баҳо атир бўлса керак, деб чўнтакка урди. Ўғрилиқ содир этилган жойдан анча нарига бориб, чўнтагидаги "атир"ни очиб, юзига икки марта пурқади. Шу ондаёқ хушидан беғона бўлди.

Радиоприёмникни кучоқлаган ҳолда хушсиз ётган йигитни кўрган одамлар тез ёрдам ва ҳар эҳтимолга қарши полициячиларни ҳам чақирдиши. Омадсиз ўғри умарган "атир" оломонга қарши ишлатиладиган одамнинг асаблари ва қўл оёғини шол этиб кўядиган газ экан. Ўғрининг ҳаётини сақлаб қолиш ҳам енгил кечмабди.

Хориж матбуотидан

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқлангани мумкин.